

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2009-yil 16-iyun Seshanba 72 (30.033) www.uzbekistonovozi.uz 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«Касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда».



ОДКБ ЙИФИЛИШИ

Москва, 14 июнь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 июнь кун...

иштирок этди. Сессияда ОДКБнинг Коллектив оператив харакат кучларини (КСОР) тузиш ҳақидаги қарорининг ижроси кўриб чиқилди.

Шу кун Ислам Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

ШХТ САММИТИ

ЕКАТЕРИНБУРГ, 15 июнь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Екатеринбург шаҳрига келди.

Саммит ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари иштирок этдилар.

олиятини такомиллаштириш, қузатувчи давлатлар ҳамда бошқа минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Саммитда халқаро молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Фракция фаолияти



ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КИРИТИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИ МАВЖУДМИ?

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси мажлиси бўлиб ўтди.

тартибда жавобгарлик назарда тутилганидан келиб чиқмоқда.

вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура эгдирлар.

Мажлисида дастлаб Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди.

муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, бошқарув органларининг кучлар ва воситаларнинг фавқулодда вазиятлар шароитида харакат қилишга тайёр бўлишини ташкил этиш ҳам вазирликнинг вазифаларига киритилган.

Иккинчидан, ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари Ахтам Турсунов, Умид Исмоилов ҳамда ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвар Шукуров томонидан ишлаб чиқилиб, қонунда белгиланган тартибда куйи палата муҳокамасига киритилмоқда.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунига қўшимчалар киритиш зарурати нималар асосида келиб чиқди?

Жавоб: Мазкур кодексга қўшимчалар киритиш зарурати «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддаси ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ушбу қонунлар нормаларини бузганлик учун белгиланган

Жавоб: Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ХУ ЦЗИНЬТАО УЧРАШУВИ

ЕКАТЕРИНБУРГ, 15 июнь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)

Учрашувда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

лари ўхшаш ва яқин экани муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги мулоқотлар, турли мақомадаги делегациялар алмашуви изчил давом этмоқда.

каби соҳаларда 223 Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хитойнинг 44 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

— Биз Хитой билан ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадраймиз, — деди Ислам Каримов.

Молиявий ҳамкорлик доирасида Хитой ҳукумати-нинг фоиссиз ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлари, Хитой Эксимбанкнинг экспорт кредитлари ҳисобидан ижтимоий соҳага оид ҳамда инфратузилма-ни ривожлантиришга доир кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларини янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

— Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир, — деди Ху Цзиньтао.

Нефть-газ соҳасида сармо-новий ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (СНПК) Орол денгизи акваториясида, Устурт, Бухоро, Хива ва Фарғона сармоновий бло-лариди геология-разведка ишларини олиб бормоқда.

Мамлакатимизда енгил санаот, қишлоқ ҳўжалик махсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосига қурилган муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига, минтақавий ва халқаро муаммоларга қараш-

Мамлакатимизда енгил санаот, қишлоқ ҳўжалик махсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш

Мамлакатимизда енгил санаот, қишлоқ ҳўжалик махсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосига қурилган муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига, минтақавий ва халқаро муаммоларга қараш-

Мамлакатимизда енгил санаот, қишлоқ ҳўжалик махсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш

Мамлакатимизда енгил санаот, қишлоқ ҳўжалик махсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосига қурилган муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига, минтақавий ва халқаро муаммоларга қараш-

Мамлакатимизда енгил санаот, қишлоқ ҳўжалик махсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш

Мамлакатимизда енгил санаот, қишлоқ ҳўжалик махсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш

Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

УЗЛУКСИЗ ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ

Навий иссиқлик электр станцияси республиканинг учта вилоятини электр нури билан таъминлаб келаёпти. Корхона йилга илгаригидек, уч-тўрт миллион киловатт эмас, ўрта ҳисобда 6.950-7.699,4 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқармоқда. Аввал бу ерда 400-450 нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 1400 кишини ташкил этаёпти. Энерго-блоклар эса босқичма-босқич қайта таъмирланаяпти. Эскирган асбоб-ускуналар янгилари билан алмаштирилляпти. Айниқса, корхона акционерлар қўлига ўтган, янги цехлар, қатор қўшимча қувватлар ишга тушди.

МАХСУЛОТ ТУРИ ОРТДИ

Андижон шаҳридаги «Инвестекс» қўшма корхонасининг махсулотлари тури юздан ортди. Ўтган йили қўшма корхонада 1 миллиард 341 миллион сўмлик махсулот тайёрланганди. Шундан 480 минг АҚШ долларлик махсулот четта экспорт қилинди.

— Станциянинг ишлаб чиқариш қувватини йил сайин ошириб бориш эвазига узлуқсиз энергия таъминотига эгамиз, — дейди жамият бош директори Қаҳрамон Ғаниев. — Чунки Навоий сановатлашган вилоят, қончилиги ривожланган. 20 дан зиёд корхона ва заводлар учун мунтазам электр энергияси зарур. Навоийда халқаро аэропортнинг иш бошланиши, қола-верса, иқтисодий эркин индустриал зонанинг ташкил этилиши ҳам электр қувватига бўлган эҳтиёж ортаётганини кўрсатади. Бу эса биздан янаям самаралроқ ишлашни ҳамда станция қувватидан унумли фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қўшма корхонада 362 миллион сўмлик тайёр махсулот ишлаб чиқарилди.

Музаффар ШАРОПОВ

Аҳмадилло СОЛИЕВ



2 ПЛАСТИК КАРТА: ҚУЛАЙЛИК ВА ТЕЖАМКОРАК

ЎЗХДП: партия ташкилотлари конференциялари

БЕШ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ




навбатдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди

Мамлакат олдида турган масалаларни ҳал этишда муносиб ҳисса қўлиши ҳар қандай вазиятда ҳам сиёсий партия учун муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ХДП Ангрен шаҳар ташкилотининг конференциясида фаоллар дастлаб жаҳон молиявий инқирознинг мамлакатимизга салбий таъсирини бартараф этишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг иштирокини кучайтириш масаласини муҳокама этдилар.

— ЎзХДП аъзолари ва тарафдорлари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган Инқирозга қарши чоралар дастури ижросида фаол қатнашмоқдалар, — деди у. — Юзага келган вазият партия-мизнинг сиёсий фаоллигини ошириб, депутатлик гуруҳи тегишли ус-

туворликларни амалга оширишда самарали иш олиб боришни талаб этади. Аввало, Инқирозга қарши чоралар маҳаллий дастурга биноан шаҳримизда янги иш ўринлари яратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасидаги ишларда Ўзбекистон ХДП аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш лозим.

Конференцияда шаҳар партия ташкилотининг ўтган беш йиллик фао-



3 АМАЛДАГИ ПРЕЗИДЕНТ ҒОЛИБ БЎЛДИ 4 МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КИРИТИШДА

сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқи мавжудми?

Шунингдек, мажлисда Қонунчилик палатаси муҳокамага биринчи ўқишда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси, Қонунчи-

лик палатаси муҳокамага киритилган «Электрэнергетика тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди. Мазкур лойиҳалар юзасидан Мудоаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Собир Турсунов, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари

қўмитаси раиси ўринбосари Абдулла Абдуназаровлар маъруза қилди. Мажлисда қўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдвоси ХАЙДАРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

БЕШ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

навбатдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди

Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи (унга 17 нафар ХДП вакиллари уюшган) муайян ишларни амалга оширди. Бунда Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ишлар муҳим аҳамият касб этди. Сессия ҳужжатларини тайёрлашда ва уларни муҳокама қилишда ХДП депутатлик гуруҳи фаол иштирок этди. Ўтказилган сессияларнинг даярли барчасида депутатлик гуруҳи аъзолари сўзга чиқиб, қабул қилинаётган қарорлар, хусусан, ижтимоий йўналишдаги масалалар бўйича очик-ойдин мулоҳазалар билдирди.



даги камчиликларни бартараф этиш партияимиз депутатлик гуруҳи диққат марказида бўлди. Конференцияда сўзга чиққан Табиати муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси раиси Бакир Расулов, Кимё саноати коллежи директори Абдумуталиб Кукунов, «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулла Шаропов, 29-мактаб директори Зарифа Шокирхонова, шаҳар партия кенгаши «Истик-

бол» ёшлар қаноти раиси Шохрух Мирзахмедов ва бошқалар шаҳар партия ташкилотини янада мустаҳкамлаш, сайловлар йилида электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш борасида фикрлар билдиришди. 67 та бошланғич ташкилот 2200 нафарга яқин ХДП аъзолари фаолиятини кучайтириш борасида тақлифлар илгари сурилди.

Ёшлар билан ишлаш, уларда сиёсий жараёнларга онли муносабатни шакллантириш усуллари такомиллаштириш зарурлиги айтилди.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожидин Аъзамов сўзга чиқди.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинган ва шаҳар партия кенгаши янги таркиби шакллантириди.

Шаҳар партия кенгашининг биринчи ташкил плenumsи бўлиб ўтди. Бахтиёр Йўлдошев ЎзХДП Ангрен шаҳар кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Бехро ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Шавкат ҚАҲҚОРОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан ташкил этилган «ЎзХДПда ёш сиёсати — 2009» ўзгариш-танловининг Бухоро вилоят босқичи беллашувида шаҳар ва туман босқичларида голибликни эгаллаган йигит-қизлар ўзаро куч синашишди.

— Бу галги танлов жуда қизиқарли ўтди, — дейди вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Алишер Хусанов. — Берилган шартлар қўлами ва салмоғи ҳам ёшларнинг сиёсий билим ва кўникмаларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этди. Шу боис голибларни аниқлаш

ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

йигит-қизлар сиёсий билимларини синовдан ўтказди

бироз қийин кечди.

Ҳар бир иштирокчи танлов шартларини тўлиқ бажаришга ҳаракат қилди. Хусусан, Бухоро шаҳридаги Санъат коллежи талабаси Зухро Муродова танловда ўз иқтидорини тўла намойён этган ҳолда голиб бўлди. Қоровулбозор транспорт касб-ҳунар коллежи талабаси Улмекин Шема-

нова иккинчи, Бухоро давлат университети талабаси Гулмира Аҳмедова учинчи ўринни эгалладилар.

Иштирокчилар вилоят партия кенгаши ҳамда ҳолийларнинг эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қарор ва ижро

АҲОЛИ УЧУН КЎРКАМ УЙ-ЖОЙЛАР

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан аҳолининг турмуш шароити ва фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинапти, унинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топширилган шартларда реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Қашқадарё вилоятида муайян ишлар амалга оширилди.

Бинобарин, вилоятда 115 та махсус таъмирлаш-қурилиш корхоналари ташкил этилди. Бугунги кунда вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси буюртмачилигида 139 та қўп қаватли турар жой биноларини капитал таъмирлаш (1,3 миллион сўм) ва 55 та мактабларни жорий таъмирлаш (1,5 миллиард сўм) ишларини амалга ошириш мақсадида ушбу корхоналар билан шартномалар тузилди.

Шунингдек, 2009 йилда банк кредитлари ҳисобидан капитал таъмирланаётган ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар юзасидан банк кредитлари олиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят инжиниринг компанияси ҳисобида турган 4 та қурилиш тугалланмаган турар жой бинолари шаҳар ва туман ҳокимликлари балансига ўтказиб берилди. Қурилиш тугалланмаган уй-жой биноларини махсус қурилиш-таъмирлаш корхоналари орқали банк кредитлари ҳисобига қўриб, аҳолига соғлиқ кўзда тутилган. Бу хайрли ишлар туфайли аҳоли шинам ва кўркам уй-жойларга эга бўладилар.

Музаффар ТУРОПОВ,
жамоатчи мухбири.

Ижтимоий ҳаёт

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига кўра, Самарқандда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Қадим кентда жорий йилда қарийб 150 километрик ичимлик суви қувурларини янгилаш кўзда тутилган. Ҳозиргина шаҳарнинг Зарафшон шох кўчаси, Садриддин Айний, Шота Руставели, Ал-Бухорий каби ўнлаб кўча-

ишларида корхонадаги махсус гуруҳ муҳандис-техник ходимлари, қувурчилар иштирок этишмоқда. 400-500 диаметрдagi пластмасса қувурлар Жиззах пластмасса заводидан махсус буюртма асосида тайёрланапти. Бу қувурлар

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНЯПТИ

ларида ичимлик суви қувурлари ётқизилди. «Сувоқова» давлат ишлаб чиқариш корхонаси Самарқанд шаҳар бўлими мутасаддиларидан олинган маълумотга кўра, амалга оширилаётган ишлар Жаҳон банки томонидан ажратилган 32 миллион 734 минг АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағи ҳамда Швейцариянинг 6 миллион АҚШ доллари қийматидаги гранти маблағи эвазига бажарилаяпти. Ҳозиргина шаҳардаги мавжуд 783 километр масофадаги ичимлик суви қувурларининг 130 километрга яқини алмаштирилган.

— Шаҳарнинг Регистон майдони, Тошкент кўчаси, Афросиёб худудларидаги ичимлик суви қувурлари яроқсиз ҳолга келиб қолган, — дейди Самарқанд шаҳар «Сувоқова» бўлими бошлиғи Аҳат Уроқов.

Ҳозиргина режадаги ишларнинг 85-90 фоизи бажарилди. Шаҳарнинг Саратепа, Сўғдиёна массивларида истикомат қилувчи аҳолини тоза ичимлик суви билан мунтазам таъминлаш имконияти яратилди. Реконструкция

хар қандай босимга чидамли, яроқлилик мuddати 50 йил.

Шунингдек, Жаҳон банки гранти эвазига корхонага 20 та техника ва технологиялар сотиб олинди. Шу асосда амалга оширилаётган қазилар, пайвандлаш ишлари анча сифатли уйдланапти. Бундан ташқари, Чўпонота сув хавзасидаги мавжуд насос қурилмалари таъмирланди, Мулиён насос маркази реконструкция қилинди.

Навоий шох кўчаси, Нарпай, Абу Бакр Розий, Тошкент кўчалари, Ўзбектракт худудидagi реконструкция юмушлари тугалланган, шаҳар аҳолиси тўла тоза ичимлик суви билан таъминланапти. Сув қувурлари алмаштирилиб, Чўпонота сув хавзасидан келадиган ичимлик суви босими кўтарилган, шаҳарга яқин туманлар аҳолисини ҳам тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яхшиланапти. Ҳозиргина кунда вилоятнинг Самарқанд, Оқдарё, Жомбой туманлари аҳолисининг бир қисми Самарқанд шаҳридаги сув қувурлари орқали ичимлик суви билан таъминланапти.

Абдували ХУДОБЕРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қонун ва шарҳ

Мамлакатимизда махсулот ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорлар томонидан махсулотлар тайёрлашда, хизматлар кўрсатишда ҳамда ички ва ташқи савдо муносабатларида тўғрисида мумкин бўлган техник тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қонунчилик асосларини яратишга алоҳида эътибор қилинмоқда.

Бу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 10 ноябрдаги «Бутунжаҳон савдо ташкилоти билан

ва қонуннинг 22-моддасига асосан амалга киритилган, стандартлаштириш бўйича кўрсатилган махсулотлар, ишлар ва хизматларга доир илгари қабул қилинган тегишли норматив ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотиши ҳамда белгиланган тартибда қўлланишда ихтиёрийлик касб этади.

Техник регламентларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларга риоя этилиши ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш каби муносабатларни тартибга солиш мақсадида

ишлар ва хизматлар хавфсизлиги тавсифларини; хавфсизлик талаблари белгиланаётган махсулотлар, ишлар ва хизматларнинг тўлиқ рўйхатини; атамаларга, ўров-идишга, тамгаларга ёки ёриқларга ҳамда уларни акс эттириш қоидаларига ва махсулотни идентификация қилишга доир талабларни; махсулотлар намуналарини олиш ва уларни синовдан ўтказиш қоидаларини; давлат назоратини амалга ошириш тартибини; махсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат-

МАХСУЛОТЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАР

хавфсизлигига доир мажбурий талаблар ҳақида

ишлаш бўйича Идоралараро кенгаши ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва Сенат томонидан жорий йилнинг 27 мартда маъқулланган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонунни алоҳида қайд этиш лозим. Қонун амалдаги стандартлаштириш давлат тизимини такомиллаштириш, халқаро стандарт талабларга уйғунлаштириш, техник жиҳатдан ягона қонунчилик асосларини яратиш, тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатининг мақсад ва йўналишларини аниқлаш ҳамда савдода мавжуд тўсиқларни бартараф этишни назарда тутди.

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг ижтимоий ҳаётига таъбиқ этилиши ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз даврида рақобатбардор махсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни ички ва ташқи бозорга олиб қиришда муайян афзалликларни яратди.

Қонунда ўз ифодасини топган муҳим қоидалар бир қатор ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Мазкур қонунга мувофиқ, эндиликда маҳаллий стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш чоралари босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш жоиз. Бу эса маълум бир муддат талаб этади. Шу боисдан, қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентлар ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаш учун умумлаштирилган тақлифлар киритади. Тасдиқланган дастурларга мувофиқ техник регламентлар ишлаб чиқилади

қонуннинг 2-боби давлат органларининг ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига бағишланган бўлиб, мазкур ваколатлар Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирилик, республика Давлат архитектура ва қурилиш ҳамда Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмиталари ва бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари зиммасига юклатилган.

Техник регламентлар инсон ҳаёти, соғлиғи, атраф-муҳитнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда истеъмолчи ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадини назарда тутди. Демак, махсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш билан боғлиқ муносабатларда ошқораликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Қонуннинг 5-моддасида техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принципларидан бири сифатида «техник регламентларнинг, уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотнинг очиклиги» қондаси белгиланган. Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, амалдаги ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги ахборот юридик ва жисмоний шахслар эркин фойдалана оладиган бўлиши керак.

Техник регламентлар тугал бўлиб, Ўзбекистон бўйича тўғридан-тўғри амал қилади ҳамда уларга фақат белгиланган тартибда ўзгариш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

Техник регламентлар махсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат ҳисобланади ва Қонуннинг 17-моддасига биноан ўз ичига қуйидаги маълумотларни олиши лозим: махсулотлар,

лар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган синов, ўлчов қоидалари ва усуллари.

Бундан ташқари, техник регламентларда зарарли микроорганизмлар ва қўшимчалар, касалликлар, касаллик тарқатувчилар, ифлослантирувчи моддалар, токсинлар, зараркундлар ва бегона ўсимликлар қириб келиши ёки тарқалиши билан зоғага келадиган инсон ҳаёти ва соғлиғига, атраф-муҳитга зарар етказиши хавфи даражаси ҳамда зарарни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда техник регламентларда санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирлари қўрсатилиши лозимлиги ҳам кўзда тутилган.

Қонунда шунингдек, техник регламентларда махсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар, регламентлар ишлаб чиқиш дастурларини шакллантириш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби, қиёс этиш, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш тартиблари ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонуннинг амалиётга таъбиқ этилиши, энг аввало, миллий қонунчиликнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштирилади ҳамда техник регламентларни ишлаб чиқиш учун ҳуқуқий асослар яратди. Қолаверса, у назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашини камайтиришга, натижада ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, энг асосийси, ташқи халқаро савдонинг энгиллаштиришга имкон яратди.

Нуриддин НАРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини қўриқидиган Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини гуруҳ раҳбари, юридик фанлари номзоиди, доцент.

Иқтисодийёт ва ислоҳот

ПЛАСТИК КАРТА: ҚУЛАЙЛИК ВА ТЕЖАМКОРЛИК

Ҳозир жаҳоннинг аксарият мамлакатларида чакана тўловлар тизимида пластик карточкалар етакчилик қилапти. Хисоб-китоблар қулайлиги, нақд пул айланмаси қисқариши ва хизмат кўрсатишга онд харажатлар камайиши унинг афзалликларидир.

— Юртимизда чакана савдода пластик карталар йўлга қўйилганига анча бўлди, — дейди Наманган шаҳрида истикомат қилувчи Суҳробов Ожмиризаев. — Мен ҳам «Ипотека» банкнинг пластик карточкасини ишлатганимдан сўнг, унинг афзал томонлари қўп эканлигини билдим. Ҳозир коммунал, шаҳар ва уяли телефон хизматлари ҳақини тўлашда, шунингдек, кундалик эҳтиёж учун зарур бўладиган махсулотларни харид қилишда пластик карточкадан фойдаланаялман.

— Пластик карта ёрдамида тўловларни қабул қилиш бўйича терминаллар билан жиҳозланиши зарур бўлган чакана савдо ва пуллик хизматлар соҳаси объектларини қайта қўриб чиқиш ҳамда кенгайтириш ишлари давом эттирилмоқда, — дейди Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Рустамжон

Бахриддинов.

— Бу борада вилоятимизда ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда 1262 та шохобчада терминаллар ўрнатилган бўлиб, уларда нақд пул билан бирга, пластик карточкалар орқали ҳам савдо қилинмоқда. Натижада пул маблағларининг банкдан ташқари айланганини қисқартиришга эришилмоқда.

Лекин айрим шохобчаларда пластик карточкалар орқали савдо қилишдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай камчиликларнинг олдини олиш мақсадида вилоят давлат солиқ бошқармаси ва худудий инспекцияларда «ишонч телефон»лар ташкил этилди.

Яқинда шундай воқеанинг гувоҳи бўлдик. «Ишонч телефони»га Наманган шаҳридаги «Алориф сервис» хусусий фирмасига қарашли «Аббос» ва хусусий тадбиркор Абдуғаффор Баннаевга




қарашли дўконларда терминаллар бўла туриб, пластик карталар орқали савдо қилинмаётганини ҳақидаги маълумот келиб тушди. Ўтказилган тезкор текширувда юқоридаги ҳолат исботланиб, айбдорларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар қўрилди.

Демак, аҳоли учун яратилган бундай қулайлик йўлга ҳеч қим тўсиқ бўлолмайди.


Маммуружон ПАРПИЕВ,
Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси.

ТОШКЕНТ 2200 ЁШДА



Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серқўёи диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этадиган Ватанимиз остонасидир.

Дунё илм-фани, тараққиёти, маданияти ва тинчлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Тошкент мустақиллик йилларида ўзгача широй очди, янада файзли бўлди. Шарқнинг энг гўзал, обод шаҳрига айланди.



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳуриятли ташиқлотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМАЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташиқлотни танлаш бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Иншоот номи	Буюртмачининг бошланғич нархи (КҚС билан) минг сўм	Буюртмачининг бошланғич нархи (КҚС(сиз) минг сўм
«Бухоро шаҳрида 750 ўринли томошабинга мўлжалланган мусикали драма театр биноси қурилиши» (иктисодий-техник ҳисоблар)	9305953,9	7754961,58

Қурилиш ишлари Давлат бюджетни ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдolari ва нархларни шакллантириш хужудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй. Тел: 223-63-26, факс: 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаятган корхона ва ташиқлотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов сав-

долари предметининг 20 фоиз микдориди айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз

ва чет эл қурилиш ташиқлотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни

импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси кўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш хужудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муражаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шох

кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш хужудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш кунини ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:

Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хонада бўлиб ўтади.

АМАЛДАГИ ПРЕЗИДЕНТ

Ғолиб бўлди

Эрон сайлов комиссиясидан олинган манбаларга асосланиб, мамлакатнинг «Fars» АА хабар тарқатишчи, жума кuni бўлиб ўтган президент сайловида иккинчи муддатга ном-

қараганда, 62,63 фоиз сайловчи президент номзодини қўллаб-қувватлаган. Унинг асосий рақиби, мамлакатнинг собиқ бош вазири Мир-Хуссейн Мусави эса 33,75 фоиз овоз олган. Яна икки номзод — ислохот тарафдори Махди Каруби билан ислом инқилоби кўриқчилари корпусининг собиқ кўмондони Мухсин Ризоилар ҳам етарли овоз ололмадилар.

Теҳрон шаҳрида муҳолифатчиларнинг сайлов натижаларига нисбатан норозилик намоиши бўлиб ўтди. Бу намоиш тартибсизликларга айланиб кетди. Натихада полиция кўздан ёш оқизувчи газ қўллаб, намоишчиларни тарқатиб юборди.

Маълумотларга қараганда, сайловчиларнинг бу сайлов жараёнида иштирок этгани рекорд даражада бўлган, яъни 80 фоиз. Бундай кўрсаткич 1997 йилги сайловда ҳам қайд этилган эди. 2005 йилги сайловда эса 62,84 фоиз сайловчи иштирок этган.



зодини қўйган амалдаги президент Махмуд Ахмадинажот кўп овоз олиб, ғолибликни қўлга киритди.

Ҳисоб-китобларга


БМТ Хавфсизлик Кенгаши Шимолий Кореяга нисбатан 2006 йил октябрда ерости ядро синовини ўтказганлигига қарши қўлланган санкциядан ташқари қўлланган янги санкция қўллади. Бу санкция шу йил 25 майда яна бир ядро синовини ўтказилганига қарши чорадир.

Санкияни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий 5 аъзоси ва муваққат 10 аъзоси қўллаб-қувватлади.

Ушбу ҳужжатда КХДРга нисбатан бир қанча тақиқловлар жорий этилган.

Шимолий Корея маъмурияти эса АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг

ЯНГИ ТАҚИҚЛОВЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ



КХДРни яққалаб қўйиш учун қилган саъй-ҳаракатларига қарши ҳарбий фаолиятга алоҳида эътибор қаратиш билан жавоб қилиши ҳақида баёнот берди. Шимолий Корея марказий телеграф агентлигининг олинган манбаларга асосланиб «Reuters» АА хабар қилишича, КХДР Йонбндаги ядро объектида ишлаб чиқарилган утадан ортик плутоний стерженларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланиши, урани бойитиш бўйича янги ҳаракатлар бошлашини билдирди.

ҚИММАТБАХО СОВФА

ОЛИШ МҮМКИН ЭМАС

Украина Олий радаси барча мансабдор шахсларнинг қимматбахо совға олишини тақиқловчи қонун қабул қилди.

Унга кўра, дейилади «Корреспондент.нет» нашри ахборотида, мансабдор шахслар баҳоси 120 гривна (16 доллар)дан ортик совға олиши мумкин эмас. Кимки оلسа, порахўрликка айбланади.

Ушбу қонун қабул қилиниши билан Украинанинг антикоррупция қонунчилигига ҳам ўзгаришлар киритилди. Жумладан, мансабдор шахс нафақат ўзининг, балки қариндош-уруғларининг ҳам даро-

мади, харажатлари, агар чет элга чиқса, молиявий мажбурияти тўғрисидаги декларацияни солиқ органига топшириш шарт. Шунингдек, давлат хизматчиси, агар хорижий банкда валюта ҳисобини очадиган бўлса, бир ой ичида ўзи яшаб турган манзилдаги солиқ органига бу ҳақда, аниқроғи, банк ва унда очилган ҳисоб рақамини кўрсатиб, ёзма равишда билдирги бериши лозим.

Янги қонун БМТнинг коррупцияга қарши конвенциясига мувофиқ



тарзда қабул қилинган. Қонунда, шунингдек, юридик шахснинг мансабдор шахсга пора берганлиги учун жавобгарлик мажбурияти ҳам белгиланди. Кимки мансабдорга пора беришга уринса, ёки берса, солиққа тортилмайдиган сумманинг (17 гривна) бир неча баробари микдорда жаримага тортилади.



Ўзмилийбанк Урганч бўлимининг мижозлар сони ўтган бир йилда 11625 нафарга кўпайди. Бугунги кунда банк салкам эллик тўрт минг мижозга беминнат хизмат кўрсатмоқда. Олти-та филиали бор.

Банк жамоаси ички истеъмол бозорини маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлашга асосланган товарлар билан тўлдириш ва айни кезде жаҳон андازасидаги рақобатбардос тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Чунончи, Президентимизнинг озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан амалга оширилётган ишларни олиб қўрайлик. «Урганчхолод» сутни қайта ишлаш корхонаси банкдан олинган кредит туфайли рақнақ топмоқда. Бу ерда 20 га яқин иш ўрни очилиб, ишлаб чиқарилаётган ўндан ортик истеъмол маҳсулотлари қўшни

вилоятларга ҳам етказиб берилмоқда. Кишлоқ жойларда иссиқхоналар қуриш, аҳолини йил-ўн икки ой полиз-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ўтган йили йигирмата иссиқхона қурилиши учун кредит ажратилди. Қисқа фурсатда уларнинг барчаси иш бошлади.

«Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижроси юзасидан қилинган ва режалаштирилган ишлар кўлами ҳам кенг. Кишлоқларда фаолият юритаётган фермерларга қисқа муддатда 3 та «Класс Доминатор» қомбани, олти дона «ВТ-150» русумли суриш тракторлари, йигирмата «ТТЗ» ва ўнта «МТЗ-80» тракторлари олиб берилди. Эндиликда улар янги техника билан даладаги юмушларини енгиллаштириб, галла-пахта етиштириш бўйича шартномаларини ошириб адо этиш тарафидида меҳнат қилишапти.

Айтиш керакки, банк томонидан ажратилган кредитларнинг салмоқли қисми

айнан кишлоқ ҳўжалиги соҳасига йўналтирилган. Яна бир гап. Бугун вилоят аҳолиси ўртасида иморатларни пишиқ гиштдан кўркам қилиб қуриш тобора русм бўлиб бормоқда. Бу аввало аҳолининг истиқлол йилларида иқтисодий имкониялари ўсганлигини кўрсатади. Айнан шу боис вилоятнинг ўзида пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган

кишлоғида жойлашган «Мадонна» масъулияти чекланган жамият тикувчиликка ихтисослашган бўлиб, банк кредити эвазига бу ерда замонавий ускуналар харид қилинди. Янги иш ўринлари очилиб, ёшлар касб-хунар эгаллаш имконига эга бўлдилар.

Кишлоқ жойларда тадбиркорлик билан машғул бўлган аёлларга имтиёзли

салмоқли. Лойиҳаларни молиялаш уларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва харажатларнинг қопланиши тамойилларига асосланган ҳолда банкнинг ўз маблағлари, йирик молиявий ташкилотлар ва бошқа банклар ресурсларини жалб қилиш орқали амалга оширилмоқда. Бўлим ва унинг шўъбаларида ўнта кўшма корхона

Иқтисодиёт ва ислохот

на ўтган йилнинг ўзида Хитой Тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш учун бир миллион тўрт юз минг АҚШ доллари микдориди маблағ жалб қилинди. Масалан, «Антонтранссервис» корхонасига шу мақсадда 136

ттоҳ-ускуналар келтириш, жаҳон бозорларида рақобатга дош берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича бир нечта лойиҳалар тайёрланмоқда. Банкининг мижозлари бўлган ўн иккита корхона экспортга маҳсулот чиқармоқда.

«Ишлар кўлами кенг. Режалар янада юксак. Буни банк бўлими бошқарувчисининг ўринбосари Максудбек Бозорбоев бир-икки рақам билан қисқача баён қилади: «Агар биз барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан биринчи чорак давомида кичик бизнес ва бошқа субъектларга бир миллиард икки юз миллион сўм кредит ажратгани режалаштирилган бўлса, амалда бир миллиард тўрт юз миллион сўм микдорда кредит ажратилди.»

Еки фақатгина Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун деярли саккиз миллиард сўм микдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Бу маблағлардан фермерлар мўл хосил олиб, тадбиркорлар сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, бозорларимиз тўқинлиги, арзонлигини таъминлашга — қўлланган мақсадимизга етган бўлаемиз!»

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» муҳбири


МАҚСАД — ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ Тўлдиришга эришиш

корхоналарни кўпайтириш, маҳсулотлар сони ва сифатини ошириш кун тартибига чиқди. Бугун «Дилшод гишт қурилиш» ва «Гишт таъминот» масъулияти чекланган жамиятларда эллик нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқариш пишиқ гиштлар нафақат вилоятда, балки қўшни вилоятларга ҳам етказиб берилаёттир. Банк ушбу МЧЖларга 120 минг АҚШ доллари микдорда кредит ажратган.

«Еш оилаларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ипотека ва истеъмол кредитларини ажратиш сингар ишлар ҳам эътиборга молик. Жорий йилнинг илк чорағида шу йўналишда икки юз миллион сўмлик кредитлар берилган. Иил давомида эса бу кўрсаткич бир миллиард сўмдан ортик бўлиши режалаштирилган.» Хонқа тумани «Янги ҳаёт»

кредитлар бериш ҳам банкнинг диққат-эътиборида. Ҳазорасп туманида фаолият юритаётган «Одам Ҳаво» дорихонасини олиб кўрайлик. Айни пайтда бу ерда дори-дармонлар сифати ва нархи ҳам бошқа жойлардан фарқ қилади. Дори-дармонларни сақлаш, улар билан савдо қилиш жаҳоний андازаларга мос тушади. Бунга дорихона банкдан олинган юз миллион сўм кредит ҳисобидан эришди.

«Яққа тадбиркорлик ва касаначиликни ихтиёр этган тадбиркор аёлларга банк томонидан имтиёзли тарзда икки юз миллион сўм микдорда кредит ажратилган. Уларнинг аксарияти кишлоқ жойларда фаолият юрймоқда.» Банк бўлими томонидан хорижий сармояларни вилоятга жалб этиш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар



ҳисоб рақамлари очилган. Бугунги кунда Миллий банк орқали вилоятга чет эл кредит линиялари билан экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт маҳсулотлари ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида кредитлар ажратилмоқда. Фақатгина

минг АҚШ доллари микдорда кредит ажратилганди. Ҳозир йигирма киши меҳнат қилаётган корхонада ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари сифати хорижийкидан қолишмайди. Бундан ташқари, тадбиркорлар билан ҳамкорликда замонавий дас-

Тиббиёт масканларида

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

аввало кўнглини даволайди, ўқсик дилларга малҳам бўлади

Фарзанд оиланинг кувончи, унинг бор-йўғи. У наслимиз давомийлигини сақлайди. Бу ҳаёт-да, баъзан бирон-бир сабабга кўра у турма ногирон бўлиб дунёга келади ёки бирор касалликка чалиниб, жисмоний имконияти чегараланиб қолади.



анниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. «Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида атрофи ободонлаштирилган, кўкаламзор, ховлиси гулзор мўъжазгина тиббий маскан бор. Бу — Республика болалар асаб касалликлари шифохонаси». У бош мия фалажи билан касалланган бемор болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатувчи ягона муассаса ҳисобланади.

оппоқ «полотно»га тасвир солаётган ўйчан бола диққатимни тортиди. — Дилмурод кушлар, гуллар ва осмон расмини чизаяпти... — дея изоҳ берди тарбиячи Муяссар Ёкубова. Бир қарашда шифохона дам олиш масканини эслатади, чоғроқина боғ, даракт, гуллар. Лекин бу масканда болаларга замонавий тиббий хизмат кўрсатилади.

мизда 10 та бўлим бор. Маслаҳат поликлиникаси, функционал таъхис, клиник тахилхона ишлаб турибди. Бемор болаларга шифохона қошидаги мактабда 14 нафар олий тоифали малакали врач, 7 нафар логопед хизмат кўрсатади. Ҳар йили 1000 нафардан ортиқ бола даволанади. «Даволаниш муддати 3 ой, уларни навбатдаги даволанишга қаҳирикнома орқали тақлиф қиламиз. Айни пайтда поликлиникамида 10 минг нафар бола рўйхатда туради».

Ота-оналар, афсуски, беморни вақтида мутахассис кўригига олиб бормади.

Мавриди келганда, ота-оналарга шунини маълум қилмоқчимизки жорий йилда клиникамизда 20 ўринли «Она ва бола» бўлими очилади. Чунки 2-5 ёшли болани даволаш жараёни узоқ давом этади, клиникадан чиққач, она унинг муолажасини давом эттириши керак. Энди она боласининг тиббий муолажасини кузатиш, даволаш усулларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Дори-дармонни қачон ва қандай қабул қилиш, дам олиш, ҳатто ухлатишни ўрганади. Бу боланинг руҳиятига ижобий таъсир қилади.

Клиникада руҳий хасталикларга чалинган болаларга дори-дармон, жисмоний машқлар, хо-реография, физио, лазер нури, игна, ортопедик, жарроҳлик усулида, атроф-муҳитни библиш, нутқдаги нуқсонларни бартараф қилиш, таълим ва қўл меҳнати орқали муолажа қилинади.

Боланинг беғонаси йўқ. У — фарзанд, сизнинг, бизнинг дилбандимиз... Кета туриб, яна чамандек очилган гулзор ҳаёлимни тортиди. Бояги қора соч бола талпиняпти, қўлида қорғоз... У елкаси билан битта сочишни шамол тўзгизаётган аёл расмини чизибди...

Она сурати эди бу! Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбир ОҚ ЙЎЛ, ЛЕЙТЕНАНТЛАР

Куни кеча республика Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабда битирувчиларни мустақил ҳаётга кузатиш ва уларга офицерлик унвонларини беришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Илм даргоҳи ховлиси эрта тонгданок битирувчилар, уларнинг ота-оналари, мактаб педагогик жамоаси ва тантангага ташриф буюрган меҳмонлар билан гавжум бўлди.

— Ватанимизга астойдил хизмат қиладиган юқори малакали ва етук кадрларни тарбиялашда бу мактабнинг ўзига хос ўрни бор, — дейди тадбирнинг очилиш маросимида генерал-майор Матрасул Собиров. — Бугун офицерлик дипломини олиб, масъулиятли вазифага отланаётган битирувчиларимиз мамлакатимиз бойлиги, фуқаролар ҳаёти ва мол-мулкни ўт балоси ҳамда бошқа хавф-хатардан сақлашда бор билим ва маҳоратларини аямай, сидқидилдан хизмат қилишларига ишонамиз.

Дарҳақиқат, бу илм масканида таълим олиб, турли хил идораларга бораётган мутахассислар нафақат ёнгин хавфсизлиги хизмати тизимида, балки мамлакатимиз Ички ишлар вазирлигининг бошқа тизимлари ва ҳуқуқ-тартибот идораларида ҳам устозлар ишончини оқлаб хизмат қилишмоқда.


Мактаб бугунги замонавий таълим стандартлари даражасида жиҳозланган. Олий техник мактаб таъхил этилгандан бунён республика ички ишлар идораларига ва ҳуқуқ-тартибот органларига тўрт мингдан зиёд офицер кадрларни етиштириб берди.

— Беш йил ичида билим ва маҳоратимни ошириш баробарида катта ҳаётий сабоқ ҳам олдим, — дейди самарқандлик Зафар Зайдинов. — Устозларимдан ўрганган билимларим, ўқиш давомида тўплаган кўникмаларимга ишониб айтаманки, зиммамиздаги масъулиятли вазифани шараф билан бажарамиз.

Тадбирда республика ички ишлар вазири генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов иштирок этди ва махсус стипендиантлар ҳамда имтиёзли диплом эгаларига дипломларни топширди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт



Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги 1/4 финал бошқачининг «Бунёдор» — «Шўртан» жамоалари учрашуви ўтказилди. Унда топкеңликлар 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, мусобақанинг ярим финалига йўллама олдилар.

Ўзбекистон кубоги: «Бунёдор» ярим финалда

Шунингдек, мамлакат кубогининг 1/8 финал бахслари ҳам кўпчилигининг диққат марказида бўлди. Жумладан, Фарғонада ўтказилган «Нефтчи» — «Металлург» жамоалари ўйинида мезбонлар рақиблари дарвозасига жавобсиз бешта тўп йўллаб, чорак финалга йўллама оlishди.

Мазкур бошқачининг яна бир учрашуви Наманганда «Навбахор» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда Шерзод Каримов, Зайниддин Тожиев ҳамда Игнатий Нестеров томонидан киритилган голлар пахтакорчиларнинг йирик ҳисобига ғалабасини таъминлади.

12-ТУР НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигаси 12-тур ўйинлари таъхив бўйича 30-31 май кунлари ўтказилиши лозим эди. Аммо маълум сабабларга кўра, ушбу турдан жой олган учрашувлар бошқа кунларга кўчирилди. Бугунгача ўн иккинчи турнинг бешта ўйини ўтказилди.

Жумладан, Тошкентда «Локомотив» — «Шўртан» жамоалари ўртасида кечган бахсининг 34-дақиқасида ғузорликлар ярим ҳимоячиси Патрик Аго майдондан четлатилганди. Шунга қарамай, мезбонлар рақиблари дарвозасига йўл топа оlishмади — 0:0.

Урганчада ўтган «Хоразм» — «Андижон» жамоалари ўйинида 2:1 ҳисоби кайд этилди. Бу йилги мавсумда барқарор ўйинлари билан мухлислар эътиборига тушган «Олмалик» футболчилар ғалабали олимларини давом эттиришди. Игор Шквирин шогирдлари сафарда тўп суришларига қарамай «Бухоро» жамоасини енгди — 1:3.

Мазкур турнинг яна бир қизиқарли учрашуви Жиззахда «Сўғдиёна» — «Динамо» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда жижазхликлар 3:1 ҳисобида зафар кўчишди.

Утган йилги мавсумда кучли олтиликдан жой олган Бекободнинг «Металлург» футболчилари ўз мухлисларини ранжитмоқда. Ававалги учрашувда Самарқандда рақибларига 3:5 ҳисобида ютказган бекободликлар бу сафар ўз майдонларида «Кизилкўм» (Зарафшон) вақилларига имкониятни бой берди — 0:1.

12-турдан жой олган «Навбахор» — «Нефтчи», «Пахтакор» — «Машъал», «Насаф» — «Бунёдор» жамоалари учрашувлари номаълум муддатларга қолдирилди. Эркин ХОЛБЕО

ДАВЛАТ ГРАНТИ БЎЙИЧА ЎҚИШНИ БИТИРГАНЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ

— давлат гранти бўйича ўқиган олий таълим муассасалари битирувчиларини олган ўқув ихтисослиги ва малакасига мувофиқ иш жойларига давлат бошқарув органларининг йўлнамаси бўйича ишга жойлаштирилади.

Давлат гранти бўйича ўқиган олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга тақсимлаш, жойлаштириш, ишни давом эттириш муддатларини белгилаш қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУГУРТА НАФАҚАЛАРИ

— меҳнат фаолияти билан шугулланган (шугулланган) ва белгиланган тартибда ижтимоий сугурталанган шахслар (уларнинг оила аъзолари)га улар вақтинча меҳнатта лаёқатсиз бўлганлари, ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққанлари ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда давлат ижтимоий сугуртаси (пенсия жамғармаси) маблағлари ҳисобидан нафақалар тайинланади.

Ижтимоий ҳимоя атамаларининг изоҳи

тибда ижтимоий сугурталанган шахслар (уларнинг оила аъзолари)га улар вақтинча меҳнатта лаёқатсиз бўлганлари, ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққанлари ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда давлат ижтимоий сугуртаси (пенсия жамғармаси) маблағлари ҳисобидан нафақалар тайинланади.

ДАВЛАТ НАФАҚАЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ

— фуқароларга нафақалар давлат бюджети ва давлат томонидан таъсис қилинадиган жамғармалар ҳисобидан тайинланади. Меҳнат стажига эга бўлмаган ва давлат пенсия таъмино-

ти олиш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларга бюджет ҳисобидан нафақа тайинланади. Бундай нафақалар ногирон болаларга, болаликдан ногирон шахсларга, молдий ёрдамга муҳтож ва қонунга кўра молдий таъминланишга мажбур бўлган яқин қариндошлари бўлмаган (яқин қариндошлари бўлса ҳам молдий таъминот бера олмайдиган ёлғиз қария (65 ёшдан ошган) ҳамда I ва II гуруҳ ногирони деб топилган фуқароларга тайинланиши мумкин. Нафақа тайинлаш шартлари, тартиби ва миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

«Ижтимоий ҳимоя» атамалар изоҳи лугати китобидан олинди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига! ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: Обьектлар номи: Фарғона вилоятидаги умумтаълим мактабларини жорий таъмирлаш. ҚМЙга. Table with columns: ЛОТ-1, Мактаблар номи, Объект нархи (миң сўм), ҚҚС билан, ҚҚСсиз. Table with columns: ЛОТ-2, Мактаблар номи, Объект нархи (миң сўм), ҚҚС билан, ҚҚСсиз.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'afar HOTAMOV, Muslimhiddin MUHIDDINOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochiybek RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV. MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI. BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib. VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda. MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta o'zet usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi. ISSN 2010-7633. O'zA yakuni — 21.50. Topshirilgan vaqti — 23.20. 1 2 3 4 5 6 7. Soluvda erkin narxda.